

Риёзус солиҳийн шарҳи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 1286-ҳадис

1286 - وَعَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ جَاءَ إِلَى سَعْدِ بْنِ عُبَادَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، فَجَاءَ بِخُبْزٍ وَزَيْتٍ، فَأَكَلَ، ثُمَّ قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «أَفْطَرُ عَنْكُمُ الصَّائِمُونَ، وَأَكَلَ طَعَامَكُمْ الْأَبْرَارُ، وَصَلَّتْ عَلَيْكُمْ الْمَلَائِكَةُ» رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ بِإِسْنَادٍ صَحِيحٍ [3854].

1286. Анас розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам Саъд ибн Убоданинг ҳузурига ташриф буюрдилар. Саъд нон билан зайтун мойи олиб келди. Набий соллаллоху алайҳи васаллам таомланиб бўлиб, шундай дедилар: «Афторо ындакумус-соимуун, ва акала тоъаамакумул-аброр ва соллат ъалайкумул-малааика».*

* Маъноси: «Ҳузурингизда рўзадорлар ифтор қилди, таомингизни аброрлар (ёмонликка рози бўлмайдиган, чумолига ҳам озор бермайдиган кишилар) еди, ҳаққингизга фаришталар истиғфор айтишди дуо қилишди».

Абу Довуд саҳиҳ иснод билан ривоят қилганлар.

Шарҳ: Ушбу ривоятда Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам бошлиқ саҳобалар биринчи Ислом давлати соясида қанчалар содда ва камтарона ҳаёт кечирганлари яққол зоҳир бўлиб турибди.

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам Саъд ибн Убода розияллоху анҳуникида нон ва зайтун мойи едилар».

Саъд ибн Убода Мадиналик саҳобаларнинг икки раҳбарларидан бири ҳисобланадилар. Ўшандоқ катта мансабдор одамникида Пайғамбари охири замон бошлиқ бир гуруҳ саҳобаи киромлар қуруқ нонни зайтуннинг мойига теккизиб еб, меҳмондорчилик қилганлар.

Ана ўша содда меҳмондорчиликдаги қуруқ нон ва мойдан иборат зиёфатни еб, фориғ бўлганларидан кейин Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам

кейинчалик ҳам барча мўмин-мусулмонларга мерос бўлиб қолган қуйидаги пурмаъно дуони қилдилар:

«Хузурингизда рўзадорлар ифтор қилсди. Таомингизни аброрлар еди. Фаришталар сизга истиғфор айтди», дедилар».

Бошқаларга зиёфат уюштирган кишилар учун энг муносиб дуо шу:

«Хузурингизда рўзадорлар ифтор қилди».

Чунки, бошқаларга берилган таомнинг энг савоблиси рўзадорларга ифторлик беришдир. Киши учун унинг таомини рўзадор ифтори қилиб ейилиши катта хайр-барака ҳисобланишини шундан ҳам билиб олаверсак бўлади.

«Таомингизни аброрлар еди».

«Аброрлар» яхшилардир. Мусулмон киши учун унинг таомини яхши одамлар тановул қилмоғи ҳам ажру савобни кўп олишига сабаб бўлар экан. Бўлмаса, Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам бундоқ дуо қилмас эдилар.

«Фаришталар сизга истиғфор айтди».

Фаришталар — Аллоҳ таолонинг муқарраб бандалари бир банданинг гуноҳини афв этишини сўраб Роббил оламинга дуо қилмоғи ҳам катта гап. Зиёфат берган одам ҳақиқа шундоқ дуо қилиш яхши экан. Арабларда бу дуони ёдлаб олиб, доимо ўқиб юришади. Бизда ҳам шунга амал қилинса, ажойиб бўлар эди. Аммо, бизда ҳам зиёфат берган одам ҳақиқа дуо қилиш яхши йўлга қўйилган. Баъзи вақт-ларда муболағага ўтиб кетилиши ҳам бор.

Манба: hadis.islom.uz

